

“Пскенттумангаз” филиали жамоаси газ таъминотини яхшилаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар асосида кўпгина ишларни амалга оширмоқдалар.

Бунга кўра мавжуд табиий газ билан газлаштирилган 10560 та аҳоли хонадонларига ва 303 та улғурчи табиий газ истеъмолчиларига жами 451,8 километр узунликдаги қурувлар орқали ўз вақтида ва узлуқсиз газ етказиб берилмоқда.

Айни пайтда газ тармоқлари корхоналарининг 2006-2007 йилларнинг куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида газ тармоқларини халқалаш, янгиларини қуриш ва мавжудларини узайтириш, газ босимини кучайтириш юзасидан муайян ишлар бажарилмоқда. Жорий йил охирига қадар 14,5 километр масофада янги газ қурувлари тортилари режалаштирилган.

Суратларда: чилангар Акмал Отабоев газ тақсиротини назорат қилмоқда; “Пскенттумангаз” филиали мутахассислари Собир Соипов, Умар Тулепов ҳамда Комила Маматқулвалар галдаги вазифалар ҳусусида суҳбатлашмоқда.

Мухаррир минбари

Ўзбекистон шаҳарлари қадимий тарихимиз, яратувчилик ва бунёдкорликка йўрилган бугунги ҳаётимиз, улуғ орзу-ниятлар билан тўлиб-тошган порлоқ келажакимизнинг тирик тимсолларидир. Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида мана шу ўчта омил моҳирлик билан бир-бирига боғлаб юборилган.

Бундан 65-70 йиллар муқаддам Тошкентнинг пасткам жойларидан бўлган Бўрижар чакалзорларида ўзбекнинг энг сара фарзандлари қатл этилган. Халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров бир мажлисида Абдулла Қодирӣ, Чўлпон каби буюк сиймосларнинг ҳатто қабри номаълумлигича қолгани ҳақида афсус билан гапирган эди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан шу жойда Шаҳидлар хотираи хиббони ва музейи барпо этилди. 31 август — қатагон қурбонлари кунда бу ерда хотира оши тарқатилади. Утганлар рўҳига Қурбон тилов қилинади. Музей ва сўлим хиббон ҳар доим зийратчилар билан гавжум бўлади.

Шеър барибир шеър-да. Рухингиз юксалиб, ҳайкат пойида Алишер Навоӣ нигоҳи изидан олис-олисларга назар ташлангангиз тонгинг нимҳарир турмони оғуида Тошкент телемонораси, маҳабатли меҳмонхоналар ва уларнинг ёнида Шаҳидлар хотира-музейининг мовий гўмбазини кўрасиз. Беш-олти йил бурун номозшом пайтлари ҳам бу

Ахборот МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ

Навоний вилоятнинг алоҳа ходимлари бирлашган касабаси уюшма ташкилоти ҳамда «Навонийтелеком» тасарруфидоғи Коинимех телекоммуникация болғанмаси томонидан ўтказилган «Қорхоналарда хавфсизлик техникаси, меҳнатни муҳофазалаш, ёнгин хавфсизлиги, фуқаролар муҳофазасини тақомиллаштириш» мавзусидаги назарий-амалий машғулот ўз ишини якунлади.

Унда цех бошлиқлари, шаҳар ва туман телекоммуникация болғанмаларининг техник директорлари, ёнгин, техника хавфсизлиги, меҳнат ва фуқаро муҳофазаси, АТС, кишлоқ телефон станцияларидаги муҳандислар ҳамда бошланғич касабаси уюшма кўмиталари раислари иштирок этишди.

Семинарда меҳнат мижорларининг олдини олиш, хавф-хатарсиз иш шароити яратиш ва зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш юзасидан ҳам фикр-мулохазалар алмашилди.

МАКТАБ ҚОШИДАГИ ОРОМҲОҲЛАР

Жорий йил Жиззах вилоятида 2880 нафар мактаб ўқувчилари шаҳардан ташқирдаги 17 та ёғи дам олиш масканларида хордик чиқаришлари режалаштирилган.

Шунингдек, 30 та мактаблар қошида ҳам оромгоҳлар ташкил этилган бўлиб, айни пайтда уларда фарзандларимиз ёғи таътилни мароқли ўтказишмоқда.

Ушбу тадбирни янада уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўқув-семинар ўтказилди. Унда вилоят ҳокимлиги, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар бошқармалари, Дори-дармон ҳиссадорлик жамаиети ва бошқа мутасадди ташкилот вакиллари қатнашди. Ингилишда бундан бунёнги долзарб вазифалар белгилаб олди.


САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Хоразм вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма кенгаши ташаббуси билан «Саломатлик» спартакиадасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Урганч шаҳар қурилиш коллежи спорт мажмуида ўтказилган ушбу беллашууда қатнашчилар спортнинг волейбол, ёнгли атлетика, стол тенниси, кураш, тош кўтариш, арқон тортиш каби турлари бўйича бахшлашди.

Арқон тортиш бўйича Хива туман қизгин курашда бўлиб ўтган қизгин шифохонаси жамоаси биринчи бўлишди. Кураш баҳсида Богот туман марказий шифохонаси жамоасидан Қувондиқ Қаландаров гўлиб чиққан бўлса, тош кўтаришда Азимбой Атаева тенг келадигани топилмади.

Мусобақалар якунида умумжамоа ҳисобида хиваликлар биринчи ўринни, Қўшқўлир ва Янғирлик туман вакиллари иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди.



А.ХУДОБЕЛОВ олган суратлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТАДБИРКОРГА КЕНГ УФҚЛАР ОЧИЛАДИ

Бир вақтлар тадбиркор дўстим шикоят қилиб қолганди. «Эркин ҳаракат қилолмасанг, қайга борсанг тўсиқ. Лекин ишлайсан дейишди. Тўшовли отни қамчилсангандек гап. Кредит олиш учун... Э. кўйинг, гапирмай...» Янги қабул қилинаётган қонунлар лойиҳаларининг муҳокамасини эши-тарканман. «Тулпоринг тушови ечиляпти, дўстим. Бемалол қамчини боссавер», дейман ҳаёлан.

Аниқроқ айтганда бўлсақ, «Микромолиялаштириш тўғрисида» ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинса, тадбиркор бўламан деган инсонга кенг уфқлар очилади.

Яратилажак қонунларнинг моҳияти нимада?

Микромолиялаштириш тўғрисида

Қонуннинг мақсади:

а) аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг молиявий маблағлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;

б) уларнинг ишчанлик фаолиятини ошириш;

в) микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Микромолиялаш деганда нимани тушуна-миз?

Бу микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошмайдиغان суммада микрокредитлар, микрокредитлар, микрокредитлар берилиши, шунингдек микромолиявий хизматлар кўрсатиш шартномага мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш фаолиятидир.

Кўришиб турибдики, янги хукукий тушунчалар, атаманлар пайдо бўляпти.

Микрокредит бу қарз олувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун маълум мудатда қайтарилган шарт билан энг кам иш ҳақининг миғ баравари миқдоридан ошмайдиغان суммада бериладиган пул маблағидир. Микрокредит эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан ошмайдиغان миқдорда берилди. Микрокредитнинг учинчи тарафининг молмулк олиш ҳамда белги-ланган шартлар асосида

ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчиға беришни назарда тутадиган хизматидир.

Микролининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатлариға мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки миғ баравари миқдоридан ошмайдиغان суммада берилди.

Юридик ва жисмоний шахтислар микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар буюртма ҳамда ўз фаолияти ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бошқа ҳужжатлар тақдим этадилар.

Микромолиявий хизматлар хизмат кўрсатувчи ташкилот ва қарз олувчи ўртасида тузилдиган шартнома асосида кўрсатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аксарият депутатлар микромолиявий хизматлардан фойдаланиш жарабини соддалаштириш ҳақида фикр-мулохазаларини билдирдилар.

Микромолиялаш тўғрисидаги қонунда қарз олувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Микрокредит ташкилотлари Микрокредит ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолиятини соҳасидаги муносабатларни тартибга солуви-чи «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама қилинмоқда.

Бу қандай ташкилот? Микрокредитлар, микрокредитлар, микролининг бе-

ҳаракати — меҳнати самарали бўлади. Бу қондан бутун жаиятимизға қўлайдиган бўлсақ, ўзигини яхши англаган, ҳар қандай шароитда қадр-қимматини баланд тутиб яшайдиган миллатиға улуғ ишларни амалға ошира олади. Шунинг учун мустақилликнинг илк йиллариданоқ халқимизнинг, миллатимизнинг ўзигини англаш ишиға алоҳида аҳамият берилди.

Ўзликни англаш тарихини биллишдан бошланади.

Ҳаққоний тарихини билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас.

Еки бўлсаки:

Ўзбек халқининг илғи тўқ, бақувват. Биз ўзбекликмиздан фахрланамиз, гурулланамиз.

Биз Берунийларға, Бўҳорийларға, Амир Темур, Мирзо Улғубек, Мирзо Бобурларға ворис-миз.

Бу гапларни Президентимиз Ислоҳ Каримов 1998 йил бир гуруҳ тарихчи олимлар билан учрашувда айтган эди. Бу гаплар мустақилликнинг илк йилларидаёқ тарихимизни тиклаш ва қимлигимизни англаш йўлида амалға оширилган ишларнинг ўзига хос хулосасига ўхшайди. Шулардан айримларига ўқувчилар диққатини тортмоқчимиз.

1991 йил 28 сентябрда, яъни мустақиллигимиз эълон қилинганиннг 28-кунда Тошкент шаҳрида Алишер Навоӣ хайкали ва улуғ шоир номи билан аталуви ўзбекистон миллий боғи тантанали равишда очилди. Президентимизнинг шу маросимда сўзлаган нутқидоғи «Бу ер йиллар, асрлар давомида қатта халқ тантаналари, қарияларимиз, Ёш авлодимизга, халқимизга маълум, руҳий мадад берадиган сеvimли ва мароқли бир оромгоҳға айлангани», деган сўзларидан кейин хайкал атрофига сар солган киши шундай манзаранинг гувоҳи бўлар эди: Халқлар дўстлиги гувоҳидан бошланиб, то буюқ шоир хайкали пойғача кўтарилиб бораган гул-гулзорли обод хиббон ўша пайтда халқ тилида «Комсомол кўли» деб аталуви қўлниң қаровис манзараси-ю, чап тарафдаги бузиб ташланган эски иморатларнинг кўримсиз хавозаларига хужум уюштиргандай эди гуё.

Юртбошимизнинг айтганлари рост келди. Миллий боғимизда ҳар баҳор Наврўз байрами кунлари авж пардасига чиқадиган тантаналар ва бошқа халқ сайиллари йил бўйи давом этмоқда. Боғнинг чап қирғоғида бунёд этилган Олий Махлисининг мухташам кошонаси ансамблини тўдириб турган чўмилиш хавзалари ва болалар дам оладиган боғ-боғчалар тилила узўкка гавҳар қўз мисол ярашиб тушган.

Миллий боғ очилган йили туғилган фарзанд бу йил 15 ёшға қиради. Ун беш ёшға тулган усмирнинг қадди-бастидо қанча шиддат, ўсиш, чирой бўлса, боғимизнинг бугунги кўрки қамолдиға бу тўла аксини топган. Марказида Алишер Навоӣ хайкали қад ростлаган Миллий боғимиз тимсолидан чиқадиган энг қатта хулоса мустақил ўзбекистон ва унинг гўзал пойтахти Тошкент шаҳрини ифтиҳор билан жумла жаҳонға қўзқўз этиш эди.

Газетаниннг шу йил 6 май сонидо «Чирогимиз мунтазам ёнадимми?» сарлавхали танқидий мақола чоп этилганди. Унда аму-дарёлик муаллим Турғунбой Аширво электр энергияси тақсиротидо туман-даги мутасаддилар бепар-воликка йўл қўйётгани, бунинг натижасида соат-лаб таъминотда узилиш-лар бўляптгани ва энг му-хими, бу масъулиятсизлик ўқувчиларнинг дарсға тай-ёргарлик қўришида сал-бий таъсир этаётгани қаламға олинганди. Танқидий мақола юзасидан яқинда мутасадди ташки-лотининг жавоб хати келди.

ТЭРАП ТАРИХ, БУНЁДКОР ҲАЙТ ВА ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК

Бир пайтлар устоз «қизил, сориг, яшил» радибли газалида ҳаётнинг турфа гўзалликларини илҳом билан қаламға олган эдилар. Шу газал таъсирида ва улуғ бобомиз номи билан аталуви боғинг кун сайин кўркамлашиб бораётган чиройидан тўқилганиб ушбу мухаммасни боғлашға журъат этдик:

Бу кун менға кўринар осмон қизил, сориг, яшил, Юрагимда уринар дoston қизил, сориг, яшил. Суратини жойламиш жаҳон қизил, сориг, яшил, Хильатини то айламиш жонon қизил, сориг, яшил, Шуълаи оҳинг чар ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Висол боғи чаман-чаман дили оғоҳдин, Мисли дехон, кўнгли яшнаб қалин бошоқдин, Расан айлаб мутасаддин тўлишган моҳдин, Гулшан эттин ишқ саҳросин, самуми оҳдин, Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Неча боғ тузалгайдур ҳар кунди ишқинг отидин, Зор бўлбул нола қилгай лаълинг бир имдодидин, Саҳрода чечак унгай ниҳонинг хур баътидин, Шишадек кўнглимдадур гулзори ҳуснинг ёдидин, Тобадоннинг аксидек айвон қизил, сориг, яшил.

Изингта бош урган соч сунбул мисолидин эрур, Чарақлаган жамолининг баҳор жамолидин эрур. Мунтатар бу сабаблар васлинг шомолдин эрур, Орузу холинг била хаттинг хайлидин эрур, Қўзларининг олдида даврон қизил, сориг, яшил.

Камалак кучоқ оҗса, тоғлардан ошган чашмада, Нозини сабо айлаб, поёндозини — гамзадан — Қўзлар бағрин ёндирган эй оловлар, эй гулдабан! Лаълигун май тутки, олтин жом бирла сабзада Ким, булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.

Тахт аро ултонлик хунҳордур беҳад валеқ, Бахт аро дилтанглик бекордур беҳад валеқ, Нарх аро дурранглик хунҳордур беҳад валеқ, Фақр аро бирранглик дурдордур беҳад валеқ Дирқада тикмак эрур осон қизил, сориг, яшил.

Бу боғда ранглар хил-хил, сен рангсиз тумор истама, Турфа гул кўк талашар, рангпарни дилдор истама, Шоиринг, бағрингда гул,

ердан сеқаниб ўтар эдингиз. Бундан 65-70 йиллар муқаддам Тошкентнинг пасткам жойларидан бўлган Бўрижар чакалзорларида ўзбекнинг энг сара фарзандлари қатл этилган. Халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров бир мажлисида Абдулла Қодирӣ, Чўлпон каби буюк сиймосларнинг ҳатто қабри номаълумлигича қолгани ҳақида афсус билан гапирган эди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан шу жойда Шаҳидлар хотираи хиббони ва музейи барпо этилди. 31 август — қатагон қурбонлари кунда бу ерда хотира оши тарқатилади. Утганлар рўҳига Қурбон тилов қилинади. Музей ва сўлим хиббон ҳар доим зийратчилар билан гавжум бўлади.

Утган асринг эллигини, олтиминчи, ҳатто еттиминчи йилларида ҳам кексароқ кишилар «қарғиш текдан жойдеган ирим билан бу жойни четлаб ўтишға ҳаракат қилишган. Салқин сой соҳилида фарзандлари билан сайр қилиб юрган жузвонға қараб, ободончилик ва, айниқса, у тарихға эҳтиром руҳи билан суғорилган бўлса, маънан ҳам нақадар басавоб иш эканлигига яна бир бор иймон келтирасан киши:

Майдон-майдон ўтиб борар одамлар, Қўрғанин энёб ўтар қадимлар, Эрк-озодлик тансиқ бўлган у диллар, Бадад кетган қўлолларни ўйладим, Қадад отган усмонларни ўйладим.

Туркистонни бўлиб-бўлиб олдилар, Чўнтақлари тўлиб-тўлиб қолдилар, Кўзин юмиб ўтмас болта солдилар, Ноус ёнган исқобларни ўйладим, Тиз чўкмаган инсонларни ўйладим.

Уйлойману, ўйлойману ўй өтмас. Тарихингга бўйлаб-бўйлаб бўй өтмас, Дардларининг қуйламоққа куй өтмас, — Даб ҳайқирган ўтлоқларни ўйладим, Эрк йўлида қурбонларни ўйладим.

Бино қўймай тарих отинг қитобға, Эл қадрини қўлгаги оғотобға, — Лоқабайлаб уйгон деган қитобға, Истиклолни равои йўлаб қитобға. Юрта қалқан аил қолларни ўйладим, Марду майдон посбонларни ўйладим.

Биз ҳеч қимдан ҳам эмасиз, кам эмас, Иккин қўнгли, мажнутолдек кам эмас. Шиддат шоган давни асло дам дема, Ҳар мушқулга тадбир топган осмонларни ўйладим, Ердя оғиб дақим отар осмонларни ўйладим.

Ос, шоиринг, бу чирокни баланд-баланд жойларға, Бугун қўлни бўлгунтама, өтиб борар ойларға, Эл қадрини қўлгаги оғотобға, — Лоқабайлаб уйгон деган қитобға, Истиклолни равои йўлаб қитобға. Юрта қалқан аил қолларни ўйладим, Марду майдон посбонларни ўйладим.

Республикамиз поитихтидаги ва бутун мамлакатимиздаги улкан бунёдкорлик ишларни синчиклаб кузатсангиз уларда битта хусусият: миллий-замонавий қурилишлар тархи чизилаётганда қадимий тарихға чуқур ҳурмат ва яна келгусидаги бир неча ўз йиллари мўлжаллаб иш тутиш мезони аниқ қўзға ташланиб туради. Гуё ўзбекистоннинг бир бир меймори Бош мейморинг «Биздан озад ва обод Ватан қолсин!» деган ўғитини мудом ёдига сақлаб ишлаганға ва ишлаётганға ўхшайди.

Газетамизнинг 2-3 саҳифаларида эълон қилинаётган материалларни ўқиб бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

Жавоб

ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

рақалпоғистон электр таъминоти жаиянти мутахассислари билан ҳамкорлиқда «Чирогимиз мунтазам ёнадимми?» номили танқидий мақолани жойида ўрганиб чиқди.

Таҳлиллар жараёнида Юқори қўшлоқ маҳалласини электр энергияси билан таъ-

минловчи тармоқ март ойининг айрим кунларида энергия таъминотини мустаҳкамлаш ва диспетчерлик инти-

зомини сақлаш ҳамда истеъмолчиларнинг қарзорлиғи мейвирдан ошиб кетганлиги сабабли туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда алоҳида график асосида ўчирилганлиги аниқланди.

Хозирги кунда маҳалла аҳолисини мунтазам равиш-

ВАТАН ҚОЛДИМИ!

Юртбошимиз динимиз ҳақида гапириб, жумладан, шундай деган эди: "Ислоҳ — ота-боболаримизнинг дини — мусулмонларнинг онги, турмуш-тўрмушининг моҳияти, ҳаётнинг ўзидир". Дарҳақиқат, миллатимиз ҳаётини муқаддас динимизга тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, мустақиллик йилларида динимиз ривожини учун қатта имкониятлар

обод ва замонвий масканларга айланажақ. Икки йил бурун бунёд этилган "Конституция майдони" эса юртдошларимизнинг суюқлиги масканларидан бирига айланган қолгани ҳам сир эмас.

"Ҳақдан бег, ёмондан доғ қолади", дея бежиз айтилмаган экан. Тобора чирой очётган, гуллаб-шнаётган жаннатмакон дийёрга тош отувчи

лик борасида қилинаётган ишларнинг қай бирини айтиш? Уларнинг адоғига етмоқлик ҳам мушкул. Орадан эллик-юз йил ўтар. Келгуси авлодлар бугун биз қураётган биноларни эҳтимол тарихий обидалар, осори-атиқалар сифатида эътироф этишар ва ушунда бизга армон бўлган минора-ю обидаларнинг ўрнини уларнинг

РОСТЛАГАН ҚОШОНАЛАР

ониди. Шу маънода юртимизда қўлланган мухташам масжидлар ҳам барпо этилди. Жумладан, Андижон шаҳридаги узоқ тарихга эга бўлган "Девонабой" жомеъ масжидининг таъмирланиши ва кенгайтирилиши ҳам юртимизда муҳим ҳодиса бўлди. Айни кунда бу масжид шаҳар кўчига қўқ бўлган гузал қиёфага келган. Шаҳарнинг Янги бозор, Пиён-бозор худудларида, "Саноат" кўчасида олиб борилган қўқ қурилиш-ободлаштириш ишлари ҳам эътиборга лойиқ бўлиб, ҳадемай бу жойлар ҳам

нонқўрлар ҳам бор экан. Ушундай муҳим ҳодисага нафақат бизнинг, балки дунёдаги жамики эътиборлари аниқ. Ушундай муҳим ҳодисага бундан бундан бири бўлиши етти қаватли давлат идорасини ҳам ёндадириб юборган эди. Бугун мазкур бинолар ҳам қайта тикланиб, аввалгидек мухташам қиёфага келтирилмоқда.

фахру ифтихорлари эгаллаб, қалблари ғурурга туғилди. Чунки бу халқнинг яхшилик ва эзгулиқдан ўзга ақидаси йўқ. Шундай экан, у албатта ўзининг буюк келажагига эришади. Зеро, юртининг буюк келажаги ораусида сим-сим эрибтаран кўнгалдан ҳам шу Ватан мадҳида шеър қуйилади.

Саҳиб қалбим, қаро қўлғим —
Она халқим гўлдай ғунчалар.
Ўзбекистон — ўзим, ўзлим,
Мен сени севман шунчалар!

Наби ЖАЛОЛИДДИН

Мустақиллик майдонидан репортаж

Мустақиллик майдони... Халқимизнинг ушланган асрий орау-армони — она Ватанимиз озолиги муҳассам тошдан бу ерда. Зеро, миллат учун бундан буюк неъматнинг ўзи йўқ. Шу боис, бош майдонга юртимизнинг ҳар бир бурчидан одамлар оқиб келади.

Юртбошимиз унинг қиёфасини яратишда, халқимиз қалбидан чўқур жой эгаллаган эҳду қадриятларга мос кўриниш касб этишида муттасил ғамхўрлик қилиб келатганиликларини матбуот ва телевидение хабарларидан яхши билामиз.

Юртимизнинг унинг қиёфасини яратишда, халқимиз қалбидан чўқур жой эгаллаган эҳду қадриятларга мос кўриниш касб этишида муттасил ғамхўрлик қилиб келатганиликларини матбуот ва телевидение хабарларидан яхши биламиз.

«ЁШЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ»

қари, бир ёнда Олий Мажлис Сенати биноси салобат тўқиб турган бўлса, бир ёнда Вазирлар Маҳкамасининг мухташам биноси қад ростлаган. Мустақиллик майдонига уланиб кетган Хотира хиёбони, Санъат галереяси буюк майдонимизнинг янада чирой очилишига хизмат қилган. Ҳавода отилиб турган гузал фавворалар, ранг-баранг дарахт гулзорлар бу ерда келганлар учун бахри дили очилиб, яхши дам оладиган масканга айланганини кўрсатиб турибди. Ана шундай гузал манзарани кузатар эканмиз, майдонда сайр этиб юрган ҳамюртларимизнинг олган таассуротларининг бишисига қизиқдик.

қари, бир ёнда Олий Мажлис Сенати биноси салобат тўқиб турган бўлса, бир ёнда Вазирлар Маҳкамасининг мухташам биноси қад ростлаган. Мустақиллик майдонига уланиб кетган Хотира хиёбони, Санъат галереяси буюк майдонимизнинг янада чирой очилишига хизмат қилган. Ҳавода отилиб турган гузал фавворалар, ранг-баранг дарахт гулзорлар бу ерда келганлар учун бахри дили очилиб, яхши дам оладиган масканга айланганини кўрсатиб турибди. Ана шундай гузал манзарани кузатар эканмиз, майдонда сайр этиб юрган ҳамюртларимизнинг олган таассуротларининг бишисига қизиқдик.

— Хар йили пойтахтимиз-

булибди. — Мустақиллик майдони чиройли бўлиб кетганини телевизорда кўриб, уни яқиндан томоша қилиш учун Қашқадарьдан келдим, — дея сўзбата қўшилди саксон ёшни қоралаган Обод момо. — Бутун умрим қора меҳнатда ўтган. Бизнинг авлод вақиллари даладан бошқа жойни кўрмаган. Ҳозирги ёшларнинг мана шундай гузал масканларда бемалол сайр этиб юрганини кўриб ҳавасим келади.

Айни пайтда майдонини янада кўркам, обод қилиш учун бунёдкорлик ишлари давом эттирилимоқда.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» муҳбири

Халқимизнинг бебаҳо бойлигига айланган бир-биридан гузал ва бетакрор бинолар, кенг ва раво йўллари, мухташам кўприklar, қўркам хиёбонларни кўриб дилнинг кўйради. Шаҳарсозликнинг барча миллий ва замонвий услубларини ўзида уйғунлаштирган бу гузал ва сержило иншоотларнинг ҳар бири узукка қўйилган гавхар қўздеқ юртимиз жамолига ярашиб турибди. Истиқлолимиз инъоми, саволатимиз рамзи, келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг таррақияти ва қамоли ифодаси сифатида қалбларимизда фахру ифтихор туйғулари жўш урмоқда.



БАХТ ҚУЁШИ КУЛГАН КҮН

Пойтахтимиз хуснига ҳусн бағишлаб турган бир ажойиб хиёбон бор. Ундан эртаю кеч одам аримайди. Юртдошларимиз ва мамлакатимиз меҳмонлари бу ерда бўлиши, сайр қилишида. Буюк жаҳонгир, соҳибқирон бобомиз Амир Темури хайкали фониди эс-дэликка расмга тушилади. Келин-куёвлар, ёшлар қай-қал пойига гулдасталар қўйишади. Улуғ сиймонинг порлоқ хотираси олдида бир зум бош эгизиби, хурмат бажо айлашади.

муҳрлиқ қолди. Шу кунда давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов бошчилигида улуг бобомиз Амир Темури улуғвор сиймоси акс эттирилган қайқалнинг тантанали равишида очилиш маросими бўлиб ўтди. Ҳар кун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шадрофати билан ўз ватанига қайтди. Улуғ юрт ўзининг улуг-алломаларию мард ва жасур фарзандлари билан фахру ифтихор айлади. Уларнинг табаррук номларини қўқларга қўтди.

Тошқент шаҳар ҳокимининг қарори билан 1993 йилнинг 30 июнида марказдаги дам олиш масканларидан бири Амир Темури хиёбонига айлантирилди. Шу билан биргаликда бу табаррук жой учун буюк Соҳибқироннинг сиймоси акс эттирилган қайқални яратиб ишлари қизғин бошлаб юрилди. Истеъдодли хайкалдорлар — Илҳом ва Қамол Жабборовлар бу ишга энг шимариб киришдилар. Улар яратган намуналар қайта-қайта муҳокамадан ўтказилди, тақомиллашди. Мустақилликнинг 2 йиллиги муносабати билан олий боририлган улкан бунёдкорлик ишлари хиёбонда ўз самарасини кўрсатди. 1993 йилнинг 31 августи бахт қўши кулган кун сифатида юртдошларимиз қалбиди мангу

муҳрлиқ қолди. Шу кунда давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов бошчилигида улуг бобомиз Амир Темури улуғвор сиймоси акс эттирилган қайқалнинг тантанали равишида очилиш маросими бўлиб ўтди. Ҳар кун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шадрофати билан ўз ватанига қайтди. Улуғ юрт ўзининг улуг-алломаларию мард ва жасур фарзандлари билан фахру ифтихор айлади. Уларнинг табаррук номларини қўқларга қўтди.

Юртбошимиз ўша унутилмас тарихий кунда алоҳида эътироф этганларидек, бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда,

жишлаштиришда, иймон-эътиқодли бўлишда, қўдратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди. Буюк Соҳибқирон замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърият бекиёб ривоҳ топди. Халқимизнинг қўлаб анъаналари тақомилига етди. Инсоф, иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темури хаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмини ҳукмронлик қилган жаҳонгир эрса-да, у куч-қўдрат зўрлик, зуравонликка эмас, аксинча адолатда эканини теран англади. Зеро, ҳақиқат эгилади, буқилади, аммо синмайди.

Давлатимизнинг бош илоҳотчаси ва мустақиллик меъмори Ислоҳ Каримовнинг доно сийбати боис адолат яна қарор топди. Халқимиз соҳибқирон Амир Темури улуғвор сиймоси номини улуглаб, бошига қўтди. Хиёбонга ҳамоҳанг Ўзбекистон Президентининг 1995 йилдаги Фармони билан 1996 йил Амир Темури йили деб эълон қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг Соҳибқироннинг 660 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Юбилей арафасида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан халқаро Амир Темури жағғармаси ташкил этилди. Қисқа муддат ичида Темурийлар тарихи Давлат музейи бўлиб, тантанали равишда ишга туширилди. Ҳозир бу иншоот ва хиёбон кўпчиликнинг севимли масканига айланган. Улар доимо халқимиз қалбига чекис ғурур ва фахру ифтихор бахш этмоқда. Зеро, бу Президентимизнинг миллий қадриятларимизни улуглашга, буюк аждодларимизнинг руҳини эъзозлашга қаратилган эътибор доно сийбатининг шарофати туйғуланди.

Шундай қадриятлар ва шахслар бўладики, улар учун замон ва вақт ўлчоғи даҳлсиздир. Улар эса йўли юлдуз каби йўллари мизни нурларга бурқайди. Дилларимизни чароғон этади. Авлодлар уларнинг бебаҳо сўзларини, амалларини эъзозлаб, асрлардан асрларга олиб юрадилар. Бизлар эса уларга қараб аввал ким бўлганлигимизни нималарга қодирлигимизни қиёслаймиз. Фарзандларимиз ҳам улардек эл меҳрима сазовор бўлишларини ниёт қиламиз.

Хиёбонда буюк бобомизнинг чеҳрасидиғи илоҳий нур қалбларимизни ёритади. Нурли манзиллар сари етаклайди. Шақ-шубҳа йўқки, бу манзиллар келажақ буюк давлат — жонажон Ўзбекистонимизнинг эртанги истиқболини билан туташиб кетган.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ишонч» муҳбири

Спорт + футбол

«ҚУРУҚ РАҲМАТ»ГА КИМ ЙўНАЙДИ?

Футболда, айниқса, жаҳон чемпионатининг энг масъулятли учрашувда моддий манфаатдорлик муҳим рол ўйнаши мумкинми? Биз бу саволга Украина терма жамоасининг италияликлар билан кецадиган жаҳон чемпионати чорак финал ўйнининда сўнг маълум маънода жавоб топишимиз мумкин бўлади.



Reuters ахборот агентлигининг тарқатган маълумотида қўра, агар Украина терма жамоаси футболчилари италияликларни енгиб, ярим финалга йўл olsa, уларга қўшимча муқофот тариқасида яна 8 миллион евро тўланади.

— Ҳамма сизки, футболчилар «қуруқ раҳмат»га ҳам ўйнай-верадидеб. Йўқ, чиройли ўйин учун яхши ҳақ тўлашимиз лозим. Агар футболчилар ўйнаши уқдалай олмасалар, уларга тийинлар ҳам қифоъ, — деган терма жамоа бош мураббийи О.Блохин.

Шунингдек, у биринчи ўринда ватан шарафини турганлигини алоҳида таъкидлаган.

— Биз Ватан шарафини учун ўйнаймиз. Ишонтириб айтманки, энг асосийси шу. Сўнгра, пул ҳақида ўйлаш мумкин.



ИВАНОВ ВА ПОЛЛ УЙИГА ҚАЙТДИ

Ҳақамлик ҳам осон иш эмас. Ҳақам майдонда одил бўлиши лозим. Чунки ўйин қадри унинг қўлида.



ФИФА матбуот маркази тарқатган хабарларга қўра, россиялик Валентин Иванов ҳамда Б а х р а й н — Ўзбекистон жамоалари учрашувини бошқарган англиялик Грэм Полл жаҳон чемпионатининг кейинги босқич ўйинларида қатнашадиган 12 та ҳақам рўйхатидан ўрин олган.

Кизиги шундаки, Гана-АҚШ учрашувида қўпол ҳатолликларга йўл қўйган Германиялик Маркус Мерк жазодан қўтилиб қалади.

ГАЛАБА ЎЗГАЧА НИШОНЛАНДИ

Францияда жаҳон чемпионатининг ним-чорак финал ўйнинидаги испанияликлар устидан қозонилган (3:1) галаба шоду хуррамлик билан нишонланди.



Ўйин тугаши билан Париж қўчаларида автомобил ҳаракати тўхтаб қолди. Бунга сабаб ўн минглаб мухлисларнинг қўчаларга чиқиб, йўлларни тўсиб қўйиши бўлди. Елисей майдонига ҳам мухлислар автомобил йўлларига чиқиб, «Олга, Франция», «Олга, Зидан» деган хитоблар билан йўлни беркитиб қўйди.

Мамлакат Президенти Жак Ширак ўйин якунланган, махсус баёнот билан чиқиб, «Франция буюк галаба билан фахрланса арзийди» деб айтган.

«ФУТБОЛ ҚИРОЛ»И ГЕРМАНИЯГА КЕЛДИ

XVIII жаҳон чемпионатининг маданий дастурларидан ўрин олган «Футбол қироли»ни қўтиб олиш маросими Берлиндаги Потсдамдерплац майдонидида бўлиб ўтди. Бу ерда «Пеле» станцияси» кўрғазмаси иш бошлади. Уч минг квадрат майдонни эгаллаган кўрғазмадан «Футбол қироли»га тегишли буюмлар, фильмлар, расмлар жой олган.

Бадий гимнастика КАБАЕВА — ТАТАРИСТОН ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Татаристон спорт, туризм ва ёшлар ишлари вазириги машур бадий гимнастикчи Аллина Кабаева билан икки йиллик шартнома тўзди. Энди Кабаева Пекин олимпиадасида нафақат Россия, балки Татаристон шарафини ҳам ҳимоя қилади.



Бир ярим йиллик танаффусдан сўнг майдонга қайтган Кабаева машгулотларини Москвада, Ирина Винер қўл остида давом эттиради. Вақти-вақти билан у Татаристонга ташриф буюриб, кўрғазмачи қўққилар қилади. Мураббий Винернинг эътирофи эътиҳона, Татаристон ҳукумати нафақат Кабаевани, балки бутун Россия бадий гимнастикасини қўлаб келмоқда.

Теннис УИМБЛДОНГА ЗАФАР ҚУЧИШ УЧУН

Россиялик машҳур теннисчи Мария Шарапова Уимблдон турнирига галаба қозониш учун келганлигини яшириб ўтормасди. Дастлабки баҳсда исроиллик Анна Смасновани мағлуб этган 19 ёшли «теннис маликаси» ўзининг нималарга қодир эканлигини қўққилликка исботлаб ўтиришга ҳоҳат йўқлигини айтган.



Навбатдаги босқичда у америкалик Эшли Хаклроудга қарши қортуға тўшади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Спорт + футбол

кишига мўлжалланган камерада 40 тагача маҳбус сақланган. Жой йўқлигидан қават-ма-қават ўрнатилган темир қравотларда навбатма-навбат уқлашган. Меҳнатқаш ва жафоқаш қишлоқ хўжалик ходимлари 1960 йилларда ҳам бу ерларда «меҳмон» бўлишган. Чунки социализмнинг ажралмас бир илллати бўлган «қўшиб ёзиш» ўша йиллари чорвачилик ва бошқа соҳаларда кенг

римизда ушбу масжид соҳибқирон Амир Темури томонидан 1385-1386 йилларда бунёд этилган деган мулоҳаза ҳам мавжуд. Келинг, тарих фанлари номзоди, доцент Қамбар Насриддинов фикрларини эшитайлик.

«...Одина масжиди Регистон мажмуасига кирган меъморий дурдоналардан ҳисобланади. Регистонда қўйилган бу муаззам иншоот Абдуллаҳон мад-

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланади

қали. Хар-хар жойда қалин қилиб терилган гишт устунари бир-бирига равоқлар орқали туташиб кетган. Ана шундай ўнлаб равоқ гумбазли хоналардан ўтиб катта гумбазли намозгоҳга чиқилган, унинг қибла томонида жуда катта, маҳаббатли меҳроб бўлган.

қали. Хар-хар жойда қалин қилиб терилган гишт устунари бир-бирига равоқлар орқали туташиб кетган. Ана шундай ўнлаб равоқ гумбазли хоналардан ўтиб катта гумбазли намозгоҳга чиқилган, унинг қибла томонида жуда катта, маҳаббатли меҳроб бўлган.

МАСЖИДИНИНГ ҚИСМАТИ

тарқалган эди. Партия Бош қотиби Хрушчевнинг 3 йиллик режани 1 йилда бажаришдек тугуруқсиз ғоясини бажариш-

расаси билан биргаликда, меъмориликдаги «қуш» мажмуини ташкил этганлиги, унинг ҳажми бўйига — 50 метр, эни-

Меҳроб равоқининг атрофига Қуръони Қаримдан «Оят алқурси» дуоси олтин ҳарфлар билан битилган.

юборилган. Шунингдек, масжиднинг баланд миноралари ва мавий гумбаз, маҳаббатли меҳроб, мрамр минбар ва бошқалари бузилиб, йўқолиб кетган. Кексаларнинг айтишларича, улар XIX аср 60-йилларининг охирида Чор истиклолчилари томонидан тўғра тутилиб, вайрон қилинган. Масжид гумбаз ва минораларнинг қолдиқлари эса 1914 йилгача сақланган. Ҳар йили амир Саид Олимхон томонидан Қаршидаги бир қанча бинолар ва иншоотлар таъмирланган бўлиб, Қашқадарь кўприги, Қарши калъаси, Абдуллаҳон мадрасаси каторида Одина масжидида ҳам қайта тиклаш ишлари олиб борилинган.

мажсус археологик-топографик экспедиция томонидан ўрганилган. Экспедиция ҳужжатларида машҳур археологик олим М.Е.Массон томонидан тузилган XIX аср охири XX аср бошларидида Қарши қўрғонининг чизмаси келтирилган. Ҳар йили Регистон майдони. Айтишларича, майдонга қизил кум тўшалган бўлган. Майдон атрофида Одина масжиди, Бекмироқоз, Ҳўжа Абдул Азиз, Қиличбой, Олий, Нур, Чорбоқ мадрасалари қўйилган. 1920 йилларда Қаршида 20 га яқин мадрасалар бўлган. Ҳозирги кунда Шарофбой, Абдулазизбой, Қиличбой, Бекмироқоз мадрасаларига сақланиб қолган ҳолос. Улар ҳам таъмирга муҳтож.



Масжиднинг тиклангандан кейинги кўриниши

га мажбур қилинган оддий деҳқон ўша йиллари ҳам ушбу турмадан жой олган экан.

Яна мавзуга қайтамиз. Тарих эса, бу жой XIV асрнинг 80-йилларида бунёд этилган Одина жомеъ масжиди эканлигини гувоҳлик бермоқда. «Одина» сўзи форсча жума кунига деган маънони билдирад экан. Тарихчи олимла-

Мехробнинг ўнг томонида етти зинали мрамр минбар бўлиб, жума ва ҳайит намозларида хўба ўқилган. Регистон майдонидан етти зина кўтариллиб, Одина масжиди олдиндаги майдонда («овуш пат тоби-кочувш ечиладиган жой»)га қилинган. 1938 йилга келиб, масжиднинг атрофи баланд девор билан ўраб олинган ва маҳбустлар сақланидиган жой-

юборилган. Шунингдек, масжиднинг баланд миноралари ва мавий гумбаз, маҳаббатли меҳроб, мрамр минбар ва бошқалари бузилиб, йўқолиб кетган. Кексаларнинг айтишларича, улар XIX аср 60-йилларининг охирида Чор истиклолчилари томонидан тўғра тутилиб, вайрон қилинган. Масжид гумбаз ва минораларнинг қолдиқлари эса 1914 йилгача сақланган. Ҳар йили амир Саид Олимхон томонидан Қаршидаги бир қанча бинолар ва иншоотлар таъмирланган бўлиб, Қашқадарь кўприги, Қарши калъаси, Абдуллаҳон мадрасаси каторида Одина масжидида ҳам қайта тиклаш ишлари олиб борилинган.

Тарихчи олимларнинг таъкидлашларича, майдонга қизил кум тўшалган бўлган. Майдон атрофида Одина масжиди, Бекмироқоз, Ҳўжа Абдул Азиз, Қиличбой, Олий, Нур, Чорбоқ мадрасалари қўйилган. 1920 йилларда Қаршида 20 га яқин мадрасалар бўлган. Ҳозирги кунда Шарофбой, Абдулазизбой, Қиличбой, Бекмироқоз мадрасаларига сақланиб қолган ҳолос. Улар ҳам таъмирга муҳтож.

Сафар КАТТАБОВЕВ,
Қарши шаҳар прокуратураси катта терговчиси, ақлия катта маслаҳатчиси

Ёзги соғломлаштириш



ОРОЛЬЎИ БОЛАЛАРИ «НАЗАРБЕК» ОРОМГОҲИДА

Пойтахтимизнинг шундоқгина ёгинида, Зангиота туманидаги Назарбек кишлоғида темирўлчиларнинг санаторий-профилакторийси жойлашган. Асосан катта ёшдаги темирўлчиларни соғломлаштиришга ихти-



Мазкур анъана бу йил ҳам давом эттирилди. Ёзнинг жазираси бошланган илк кунларданок, бу ерга орольўйлик те-

мирўлчиларнинг бир гуруҳ фарзандлари олиб келинди. Уларнинг марокли дам олиб, таътилни вақтичида, мазмунли ўтказиши учун барча шароит муҳайё этиб қўйилган.

Бу йил Орольўйдан ташриф буюрган саксон нафар бола «Назарбек»да соғликлари тиклаб, мазмунли ҳордиқ чиқардилар. Уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун «Ёш томоша-бинлар театри», цирк усталари ташриф буюришди.


Суратлар: «Назарбек» оромгоҳи ҳаётидан лавҳалар Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

2006-2007 ўқув йилига қуйидаги бакалаврлик таълим йўналишлари бўйича қабул эълон қилади

- ПЕДИАТРИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
5720200 «Педиатрия иши» йўналиши
Таълимнинг кундузги шаклидаги ўқиш муддати — 7 йил
Ихтисоси — шифокор — умумий педиатр
ТИББИЙ-ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
5140900 «Касбий таълим» йўналиши
Таълимнинг кундузги шаклида ўқиш муддати — 7 йил
Ихтисоси — даволаш иши ўқитувчиси, умумий амалиёт шифокори
ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ҲАМШИРА
5720600 — Олий ҳамширалик иши
Бўлимда ўқиш муддати — 3 йил
Ихтисоси — олий маълумотли ҳамшира

Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.
«Олий маълумотли ҳамшира» йўналиши бўйича ижодий имтиҳон 2006 йил 24 июлда ўтказилади.
«Педиатр иши» ва «Касбий таълим» йўналишлари бўйича ҳужжат топширган абитуриентлар 2006 йил 1 август кунини биология, химия, ўзбек тили ва адабиёти (рус гуруҳлари учун рус тили ва адабиёти) фанларидан тест синовлари ўтказилади.
«Олий маълумотли ҳамшира» мутахассислиги бўйича ҳужжат топширган абитуриентлар ижодий имтиҳондан ташқари 2006 йил 1 август кунини биология, ўзбек тили ва адабиёти (рус гуруҳлари учун рус тили ва адабиёти) фанларидан тест синовлари ўтказилади.



Қабул комиссияси манзили: Тошкент ш. Ж.Обидова кўчи, 223 уй
Тел: 63-17-44, 162-33-17
Автобуслар: 19, 115, 129

Яхшилик «НАЖОТ»ДА ШИФО ТОПИШДИ

Бир неча йилдирки, Қарши шаҳрида «Нажот» хусусий шифохонаси фаолият кўрсатмоқда. Айни кунларда бу ерга вилоятнинг шаҳар ва кишлоқларидан беморлар келиб, шифо топиб кетишапти. Уларнинг асосий қисmini аёллар ташкил этади.

Бандан кредит олиб, 15 ўринли шифохонани замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлади. Натижада ўндан ортқ янги иш ўрни вужудга келди. Шифокорларимиз қўлида даволанган аёлларнинг кўпи фарзандли бўлишди. Уларнинг қувончини кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Сўғлом она — соғлом бола, демакдир. Шу боис хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, аёлларни оналикка тайёрлаш долзарб вазифамиз бўлиб қолаверди.

Г.УМАРОВА, «Нажот» хусусий шифохонаси бош врач

Буюк Британиянинг миришкор дехқони Пестерилд етиштирган кабачканинг оғирлиги 61,23 килограмми ташкил этди. Улкан кабачка Гелнеснинг «Рекордлар китоби»га ёзилди.

Янги Гвинеянинг Эйс-Вилидж заминиде етиштирилган ананаснинг бир донаси 8,06 килограмм оғирликда тош босди. Бу янгилик 2000 йилда чоп этилган «Рекордлар китоби»да алоҳида қайд этилди.

Буюк Британиялик боғбон

Турфа олам

сабзавотлар тарихида махсус парвариш қилиб етиштирилган қовуннинг оғирлиги тортилганда 495 килограммга келиб, «Рекордлар китоби»га ёзилди.

АҚШнинг Калифорния штати заминиде парвариш қилинган саримсоқ пивё дунё дехқонлари тарихида энг улкан бўлиб, у 1,19 килограмми ташкил этди.

А.АЛИЕВ тайёрлади

«Жаннат оналарнинг ойғи остидадир» дейлади муборак Хадисда. Аёл кимгадир муштирап она, кимгадир опа, кимгадир сингил эканлиги боис улар орасида учраб турадиган салбий жиҳатлар тўғрисида ёзиш оғир. Аммо начора... суд-тергов амалиёти фақат фактларга асосланганлиги боис, эркак ёки аёллигидан катти назар қонунбузарларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ҳусусида хабар беришимиз лозим, токи бошқаларга ибрат бўлсин.

Мастура Ҳақимова ва Дилфуза Қўлдошевлар (исмлар ўзгартirilган) (ишбу жиноятни содир этишдан аввал икки мартадан «ўтириб чиқилган».

Ҳар иккаласи ҳам илгари ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш жиноятларини содир этишган. Аёл бўлганликлари боис, амнистия актига биноан муддатидан олдин жазони ўташдан озод қилинган бу маккоралар тегишли хулоса чиқариш ўрнига «бирон кор-хол юз берса, барибир амнистияга тушамиз», деб

РЕКОРДЛАР КИТОБИ САҲИФАЛАРИДА

ни учун ҳам «Рекордлар китоби»га киритилди.

Одатда қовуннинг энг каттаси 4-5 килограмм бўлади.Буни қарангки, канадалик агроном Гери Берк

моддий зарар етказишган. Улар жиний ҳаракатларини давом эттиришиб, фуқаро Т. Авазметовнинг нархи 7 миллион сўм бўлган 20 тонна гуручини, нархи 3900 АҚШ доллари бўлган

Қилмиш-қидирмиш

га яраша жазога тортилди. Айтишларича, суриштирув ва дастлабки тергов чоғида улар «жиний жазолар либераллаштирилган, бизга ҳеч бало урмайди», деган фикрларни билдиришган эмиш. Аммо жиний жазоларнинг либераллаштирилиши жиноятчи жазосиз қолдириш дегани эмас, балки тош-тарозини тўғрилаб олиш, содир этилган жиний қилмишга тегишли, муносиб жазо тайинлаш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш деганидир. Маккораларга тайинланган жазо ўзгаларнинг мулкни ўмариб кетиши, талон-тарож қилиш ниятида юрганларга ибрат бўлишини истардиқ.

Бахриддин ТУРСУНОВ, Учтепа тумани прокурори

ЗАМОНАВИЙ ШИФОХОНА

Дўстлик тумани марказий шифохонаси биноси қайтадан қурилди. «Ирригация» хусусий фирмаси қурувчилари ҳомийлар маблағи ҳисобига бунёд этган ушбу замонавий шифо масканида беморлар учун ҳам, шифокорлар учун ҳам барча қўлайликлар яратилди. Ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишлари алоҳида эътибор қаратилди.

(ЎЗА)

ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА КОМПЛЕКТИ

2006-2007 ўқув йили учун 9-синф битирувчиларини ўқишга қабул қилади
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИНОМИ: МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

- I. Касблар: Мактабгача таълим муассасаларида болаларга чет тилини ўргатиш ва компьютер савдоҳонлиги бўйича тарбиячи; Гувернёр — тарбиячи; Таълим ишлари номи: БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ. II. Касблар: Кўни узайтирилган гуруҳларда тарбиячи; Тарбиявий ишлар бўйича катта тарбиячи;

Вояга етмаганлар билан ишловчи; Ахборот ва компьютер техникаси, тикучилик, пазандачилик ишлари бўйича тўғарак ишлари раҳбари. Ҳужжатлар 20 июндан 1 августгача қабул қилинади. Қуйидаги ҳужжатлар топширилади 9-йиллик маълумотнома тўғрисидаги шаходатнома-нинг асл нусхаси. 3x4 см 4 дона фото сурат 0,86 - у тиббий маълумотнома. Доимий турар жойидан маълумотнома. 9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун 10-11 синфларда таҳсил ол-



манглиги тўғрисида ўзлари ўқиган мактабдан ва маҳалла кўмитасидан маълумотнома. Ўқишга қирувчи томонидан паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги ғувоҳнома шахсан кўрсатилади. Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 186-уй. Автобуслар: 34, 13, 111, 77, 43, 36. Трамвай: 9. Троллейбус: 12. (Оқ-тепа бекати) Телефонлар: 78-55-64, 78-54-83

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг аукцион савдоларини ташкил қилиш Агентлиги» МЧЖ 2006 йил 1.8.15.22.29 август кунлари Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг биносиде соат 11.00. да аукцион савдоларини ўтказди. Аукцион савдосига қуйидаги объект қўйилмоқда.

Тошкент шаҳар, Шахрисабз кўчаси 36-уй манзилда жойлашган, «G'ALLABANK» РАТБга тегишли давлат рақами 10 АУ 817 бўлган 2001 йилда ишлаб чиқарилган «NEXIA» русумли автобуслар. Бошланғич баҳоси — 4 108 734 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бош-

ланғич баҳосининг 10 фоиз миқдориде закатал пули тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закатал пуллари қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади. Шунингдек, аввал савдоларга қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар хар ҳафтанинг сешанба кўни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари қасаба уюшмасининг Марказий кенгаши «Чимён» санаторийсининг собиқ бош шифокори, «Фаҳрий темирйўлчи» нишондори Мадамин АХМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилоят педагогика билим юрти томонидан 1988 йил 1 мартда Каландарова Гулнора Тумабаева номига берилган КТ №909229 сонли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Зангиота тумани А.Икромов номи 43-урта мактаб томонидан Юсулова Феруза Рустамжонна номига 1994 йил 22 июн кўни берилган № А-449968 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Газетанинг навабдаги сони 4 июл кўни чиқади

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ
Ўзбекистон Мабуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан руйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Тиражи: 14.908 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 814

Бизга кўнғироқ қилинг: Котибият 153-52-78; Хатлар бўлими 153-85-43; Қасаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.
Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Навабчи котиб - А.Алламуродов
Навабчи муҳаррир - З.Рихсиев
Мусаҳоҳ - А.Ербеков
Навабчи - Т.Шернаев
Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский
Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 22.30